



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Наманган ХЭТК” АЖ
бош директор ввб

А.Карабаев

«12» 08 2022 йил

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҶАНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕЗКОР ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА 23.08.2019 йилдаги ПК 4422- сонли қарори ижросини таъминлаш ва электр энергия харажатларини қисқартириш мақсадида “Наманган ХЭТК” АЖ нинг маъмури биносига умумий қуввати - 10 кВтли қуёш фотоэлектр панелларини ўрнатиш, ишга тушириб берувчи қорхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

“Наманган ХЭТК” АЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли

Акционерлик жамияти

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Наманган шаҳри, Маргилон кўчаси, 8-уй

Бош директор:

А.Карабаев

1.2. “Наманган ХЭТК” АЖнинг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танлов охириги қиймати – жами кўрсатилган хизмат учун “Наманган ХЭТК” АЖ нинг маъмури биноларига умумий қуввати -10 кВтли қуёш фотоэлектр панелларини ўрнатиш, ишга тушириб бериш хизмати билан 286 200 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. "Наманган ХЭТК" АЖ нинг маъмури биноларига умумий қуввати -10 кВт Қуёш панелларини ўрнатиш, ишга тушириб бериш ва етказиб бериш каби хизмат ишларини бажариш, ишлари сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ва меъёрларга мувофиқ бўлиши шарт

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши. "Наманган ХЭТК" АЖ нинг маъмури биноларига умумий қуввати -10 кВт Қуёш фотоэлектр панелларини ўрнатиш, ишга тушириб бериш хизмати курсатувчи корхона томонидан барча қолган харажатлари ўз ҳисобидан бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

- 5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича хар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.
- 5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ СОҶАНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕЗКОР ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА 23.08.2019 йилдаги ПК 4422- сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Наманган ХЭТК” АЖ нинг маъмури биноларига умумий қуввати -10 кВтли Қуёш фотоэлектр панелларини ўрнатиш, ишга тушириб берувчи корхонани саралаш бўйича	Урнатиш, ишга тушириб бериш